

Солиқ имтиёзларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Жураев Хусан Атамуратович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

Молия ва туризм кафедраси мудири и.ф.ф.д Phd

Чориева Феруза Даминовна

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети 2- босқич

Магистранти

Аннотация: Мақолада солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсати, иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ўсишида солиқларнинг ўрни, солиқ имтиёзлари мониторинги, солиқ имтиёзларини мамлакат иқтисодиётини тақомиллаштиришига доир таклиф ва тавсиялар берилган

Калит сўзлар: Солиқ, иқтисодий сиёсат, имтиёз, иқтисодий ўсили, мониторинг, преференция

Аннотация: В статье даны налоговые льготы, налоговая политика, роль налогов в экономическом росте отраслей экономики, мониторинг налоговых льгот, предложения и рекомендации по улучшению экономики страны.

Ключевые слова: Налоги, экономическая политика, преференции, экономический рост, мониторинг, преференции.

Abstract: In the article, tax incentives, tax policy, the role of taxes in economic growth in economic sectors, monitoring of tax incentives, suggestions and recommendations for improving the economy of the country are given.

Key words: Tax, economic policy, preference, economic growth, monitoring, preference

Давлат солиқларни жорий этиш орқали иқтисодиётни тартибга солиши ва шу билан бирга мамлакатдаги мавжуд мураккаб иқтисодий ҳолатни, шунингдек,

ижтимоий ва сиёсий хусусиятларни тўғри акс эттиргани ҳолда, солиқ имтиёзларини бериш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишга имконият яратади.

Хозирги кунда солиқ имтиёзлари олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир. У бозор инқирозларини текислаш ва ижобий бозор ташқи таъсирини яратадиган инвестицияларни рағбатлантириш учун ишлатилиши мумкин. Солиқ имтиёзлари ёрдамида ташкилотларнинг инвестиция ва инновацион фаоллик даражасини тартибга солиш, шунингдек, аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мумкин. Давлат янги маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, инновацияларни рағбатлантириш ва солиқ харажатлари микдорини тартибга солиш учун инвестиция муҳитини яхшилашдаги ролини ҳисобга олиши керак. Шундай қилиб, солиқни рағбатлантириш воситаларига, шунингдек, уларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иқтисодиёт тармоқларида ўсишни рағбатлантиришнинг солиқ воситаларини шакллантиришда самарали солиқ маъмуриятчилиги ҳам муҳим роль ўйнайди, бу орқали солиқ тизимининг барқарорлиги таъминланади. Тизимни такомиллаштириш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиши устидан маъмурият ва назорат қилиш мамлакат бюджет тизими даромадларни оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан солиқ имтиёзлари масаласида уни ислоҳ қилиниши керак эканлиги кўп бора таъкидланиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сон фармойиши бунинг яққол исботидир. Унга биноан, кўплаб аниқ вазифалар қаторида, “солиқ имтиёзи” ва “солиқ преференцияси” тушунчаларини аниқ чегаралаш, вақтинча имтиёз бериш муддатларини белгилаш, шунингдек, самарасиз ва эскирган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш каби вазифалар белгилаб берилди, бу солиқ тизимида солиқ имтиёзларини жорий этишда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак эканлигини тақозо қилмоқда.

2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, солиқлар ва тўловлар бўйича амалдаги мамлакат қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, солиқ имтиёзларини

аниқлаб олиш ва уларни солиққа тортишга доир бошқа ҳужжатлардан келиб чиққанда, аввало, қонунийлик бўйича аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига асосан “Кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар”, деб эътироф этилади.

Бизнинг фикримизча: “*Солиқ имтиёзлари- солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти*” деб эътироф этиш ҳамда “*солиқ имтиёзларини ҳисобга олиши солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига маҳсус идентификация кодини берган ҳолда амалга ошириши кераклигини мақсадга мувофиқ*” - деб ҳисоблаймиз.

Солиқлар ва йигимлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддатида фойдаланилмаган имтиёз суммалари имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида мақсадли ишлатилиши мумкин. Бунда кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ўтказилади.

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликка кўра солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тақдим этилади. Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, ҚҚС, акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини қўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва қўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. 2019 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тасдиқланиши муносабати билан айрим солиқ имтиёзлари бекор қилинган.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6.4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-11

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича меъёрий - хуқуқий хужжатларга, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Мамлакатимиз амалиётига илфор хорижий давлатлар тажрибасини иктисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда рақобат мухитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш фойдаланиш мақсаддага мувофик деб ҳисоблаймиз.